



## HISTORICAL CULTURAL ASPECTS OF THE FORMATION OF THE MODERN URBAN ENVIRONMENT, ITS IMPACT ON PEOPLE AND THEIR WORLDVIEW

**Kamila Saydullayevna Khikmatullayeva**

*Doctor of philosophy (PhG) in Art sciences*

*Uzbekistan State Museum of Art*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Urban environment, art, artistic design, stylistics, modernity, advertisement, monumental sculpture.

**Received:** 08.08.25

**Accepted:** 09.08.25

**Published:** 10.08.25

**Abstract:** This report outlines the notion of “urban environment”, its effect on surrounding areas as well as on a human – being. It contains recent changes has been made in the town since independence declared. Its researcher’s self-identification of Uzbek National Art in an urban area and realization of historical and cultural heritage is also observed.

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАР АТРОФ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ, УНИНГ ИНСОН ВА УНИНГ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ

**Камила Сайдуллаевна Хикматуллаева**

*катта илмий ходими, санъатишунослик*

*фанлари бўйича фалсафа доктори (PhG)*

*Ўзбекистон Давлат санъат музейи*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Шаҳар муҳити, санъат, бадиий безак, стилистика, модерн, постмодерн, реклама, маҳобатли хайкалтарошлик.

**Аннотация:** Мақолада “шаҳар муҳити тушунчаси”, атроф-муҳит ҳамда одамларга бўлган таъсири ёритилди. Мустақиллик даврида шаҳар муҳитидаги ўзгаришлар ҳамда миллий санъатнинг тарихий маданий меросини англаш тақдим этилган.

## ИСТОРИКО КУЛЬТУРНЫЕ АСПЕКТЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВРЕМЕННОЙ ГОРОДСКОЙ СРЕДЫ, ЕЁ ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ЧЕЛОВЕКА И ЕГО МИРВОЗРЕНИЕ

**Камила Саидуллаевна Хикматуллаева**

*старший научный сотрудник*

кандидат философских наук по искусствоведению (PhD)  
Государственный музей искусств Узбекистана,  
Ташкент, Узбекистан

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Городская среда, искусство, художественное оформление, стилистика, модерн, постмодерн, реклама, монументальная скульптура.

**Аннотация:** В статье раскрыто понятие «городская среда», её влияние на окружающую среду и на человека. Представлены изменения, произошедшие в городской среде в период независимости. Происходит поиск осмысления собственного исторического культурного наследия.

Маълумки, IX-XI асрларда жадаллик билан ривожланаётган шаҳарсозлик ва ҳунармандчилик Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ривожининг янги, ёрқин урбанистик даврга олиб келди. Ўрта асрларда йирик иқтисодиёт, маданият ва илм марказларига айланган Бухоро, Самарқанд, Термез, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Андижон шаҳарлари давлатимиз ривожининг асосий босқичига айланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши санъат ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичини аниқлаб берди. Санъатнинг турли йўналишларида ижодий эркинликнинг юзага келиши- давлатнинг янги демократик қурилишининг муҳим қисмидир. Миллий истиқлол ғоялари ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга интилиши кўпгина санъат турларида ўз аксини топди, аммо ўзларининг ёрқин кўринишини улар Тошкент меъморчилигида мужассамлаштирди.[1]

Шу боис, мустақиллигимизнинг илк кунларидан меъморчилик ва монументал санъат ривожига юртимизда давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири сифатида катта эътибор қаратила бошланди. Эндиликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида миллий ўзлигимизни англаш, доврўғи бутун дунёга машҳур улўғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган меъморий йодгорлик мажмуаларини кузатар эканмиз, бу жабҳада қисқа вақт ичида асрларга арзийдиган улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз [2].

Замонавий шаҳар муҳити инсонга улкан таъсир кўрсатувчи жисмоний ва экологик параметрларни, турфа ижтимоий таркибни, динамик равишда ривожланаётган ахборотлашган маданиятни ўз ичига олади. Шаҳар муҳитида меъморчилик етакчи ўрин тутиши шубҳасиз. Меъморчилик қадим замонлардан буён инсоният маданиятининг зарурий ажралмас қисми бўлиб келган. Ҳамма замонларда меъморчилик даврнинг, маданиятнинг, жамиятнинг ривожланиш даражасини белгилаб берган. Тадқиқотчи А.В. Иконников таъкидлаганидек: “Меъморчиликда жамиятнинг дунёқараши, унинг ахлоқий

принциплари ва эстетик идеаллари ўз аксини топади... Меъморчилик томонидан яратилган муҳит бадга тегмасдан, аммо доимий равишда инсоннинг ҳиссиётларига, онгига ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади” [3].

Мутахассисларнинг фикрича, замонавий шаҳар муҳиtida бинолар тартибсиз қуриладиган, улар атрофидаги макон кўринмай қоладиган “меъморчиликдаги бинолар” тамойили устуворлик қилмоқда. Ваҳоланки, меъморчиликнинг бошқа санъатлар билан ўзаро ҳамкорлиги учун қулай муҳит яратишга хизмат қиладиган “бинолардан яралган макон” тамойили мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш керакки, замонавий босқичда шаҳар муҳиtidaги қиёфанинг ўзи рассомлик, ҳайкалтарошлик, граффити, реклама ва ландшафт дизайни, видеотасвир ва ёриткичлар, инсталляция ва бошқалар орқали қўлланиладиган бадий ҳодиса, катта арт-объект вазифасини бажармоқда. Жумладан, уйларга гулли безак ўрнатишни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- бино ташқи кўриниши (фасади)нинг композициясини яратиш – гулли безаклар ҳисобига фасадни безаш;
- макон имитацияси – девор мавжуд эмас, деган таассуротни яратиш;
- фасаддан расм чизиш учун холст сифатида фойдаланиш [4] назарда тутилади.

Биринчи ҳолатда, рассом иншоотнинг тузилишидаги ўзига хосликларни, унинг морфологиясини, композициясини эътиборга олади. Иккинчи ҳолатда гулли безак меъморчиликни “ниқоблаш”, уни томошабин кўзидан яшириш учун қўлланилади. Рангдор гулли безаклар ҳисобига рассомлар бўшлиқлар, кенглик, оралик жойлар тасаввурини ҳосил қилишади. Учинчи ҳолатда ранг- тасвир меъморчиликка нисбатан етакчи ўринда туради [5].

Сўнгги йигирма йилда Ўзбекистонда маҳобатли ҳайкалтарошлик тез суръатлар билан ривожланди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Беруний, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Бобур, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, ал-Фарғоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом, Зулфия сингари ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган зотларга ҳайкаллар қўйилгани ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Бу даврда Ўзбекистоннинг маҳобатли санъати ривожланиши нафақат мафкуравий парадигма, балки шаҳарсозликнинг муҳим муаммолари, яъни замонавий шаҳар муҳиtida санъатларнинг синтези, индивидуал ўзига хосликни намоён этиш билан узвий боғлиқдир [6].

Граффити – меъморий объектлар юзасида тасвирлар ҳосил қилишнинг нисбатан янги йўналиши. Уларга уйларнинг фасадини, деворларини, гаражларни, асфальт қопламларини киритиш мумкин. Граффитига гулли безаклар чизишнинг ўзига хос техникаси ва

ижтимоий-фалсафий мазмунга эгадир. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, граффити шаҳарлардаги туссиз, бир хил худудларни “жонлаштириши” керак. Улар ҳар доим бир бирига ўхшамайди, индивидуал бўлади. Граффитидаги мураккаб композициялар турли ҳаётӣ вазиятларни акс эттиради, шунингдек гиперматнлар ва тағмаёноларга ҳам эга бўлади. Граффити субмаданиятнинг ўзига хос тили бўлиб, у меъморӣ кенгликларни безашнинг эҳтимолий элементи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Граффити XX аср бошларида АҚШда пайдо бўлган. Дастлаб, у санъат эмас, балки сиёсий реклама усулида қўлланилган. Замонавий босқичга келиб, граффити замоанвий санъатнинг мустақил жанри, урбанизациялашган маданият ва шаҳар турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида шаклланиб бормоқда [7]. Техник нуқтаи назардан граффити санъати ўзининг бадий-ифодали воситаларини кенгайтириш, проекцияланган тасвирлар, нури диодлар, тасвирнинг трансформацияси техникаси ҳисобига тезкор ривожланиб бормоқда. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам граффити санъатида муаллифнинг анонимлиги ва унга нисбатан муносабатнинг бир хил эмаслиги сақланиб қолмоқда.

Замонавий шаҳар муҳитидаги визуал санъатнинг катта қатлами реклама маҳсулотларида мавжуддир. У замонавий шаҳар муҳитининг мураккаб, кўп қиррали ҳамда, бой жараёнларда ўзига хос ўринга эга. Демак, замонавий шаҳарларда реклама коммуникацияларининг ривожланиши нафақат шаҳарлар бюджетига даромад келтиради ва тижорат компанияларининг самарадорлигини оширади, балки худди шундай муваффақият билан “реклама шаҳарнинг кундалик ҳаётидаги бош воқеа ролига даъвогарлик қилиб, ўзига ажратилган урбанистик ландшафтни ўзлаштиради” [8].

Шундай қилиб, реклама тимсоллар ва ғояларни, меъёр ва қадриятларни тақдим этишнинг энг самарали механизми сифатида замонавий шаҳар муҳитининг етакчи визуал объектига айланиб қолди. Реклама маҳсулоти ўлчамининг диапазони турлича: ризогрифда нусха кўпайтирилган ва энг содда компьютер дизайнининг ёрқин намунаси бўлган А3 ўлчамидаги қоғоздан тортиб кўчалардаги ташқи видеога мўлжалланган улкан экранларгача мавжуд. Бугунги кунда реклама концепциясини ишлаб чиқиш ва дизайнини яратиш, шунингдек уларни амалга оширишнинг техник таъминоти даражаси учун сарфланаётган маблағни бошқа бирор бир соҳа билан солиштириб бўлмайди.

Қайд этиш керакки, реклама худди ўсимлик манбаи, бинолар фасади ва уларнинг деталлари, кичик меъморӣ шакллар, кўча мебеллари элементлари, таниш белгилари сингари “плазма” элементлари тизимига киради. Яъни, кўриш даражасидаги “алоқа муҳити” ни шакллантиради [9].

Қайд этиш керакки, кейинги ўн йилликларда экологик, трансмиллий ҳаракатлар ғоялари оқимида дизайнерлик ва меъморчилик тадқиқотларида “шаҳар” йўналиши шаклланди [10]. Таъкидланганидек, бундай тадқиқотлар учун анъанавий муҳитга ёндашув, тизимли, ҳудудий ёндашувлар тамойили, сценарияли моделлаштириш услублари, қиёсий-тарихий тадқиқотлар, санъатшунослик ва меъморчиликнинг иконалаштирилиши асосида тўпланган билимлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Замонавий тадқиқотларда миллий анъаналарни, замонавий меъморчилик ва дизайн томонидан унинг миллий ўзига хослигини очиб берган ҳолда этно-маданий ўхшашликнинг ўзлаштириб борилишини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда [11].

Жумладан, турли мамлакатларда шаҳар муҳитини ҳал қилиш борасидаги жаҳон тажрибаси ва меъморчиликнинг ривожланиши билан танишсак, икки хил тенденцияни кузатишимиз мумкин. Биринчиси – “антимеъморчилик” бўлиб, у меъморчиликнинг тимсолийлигини, маълумот бериш функциясини ва шакл тушунчасини инкор этади. Иккинчиси – биринчи тенденциянинг акси бўлиб, унда меъморчилик айнан маълумот беришга, тимсолий ибтидога бўйсундирилган бўлади. Айнан мана шу иккинчи тенденция турли муаммоларга дахлдор изланишларнинг кенг кўламини юзага келтирди [12]. Бошқача айтганда, замонавий жаҳон меъморчилигида, тасвирий санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби меъморий постмодерн етакчи тенденция бўлиб турибди. Бунда меъморчилик ютуқлари модернизмга қарама қарши қўйилади. Бу ўринда америкалик меъмор Р. Стерннинг изланишларини ёдга олиш мумкин. У постмодернизмнинг учта принципини ёки ёндашувини кўрсатиб ўтган, булар: “контекстуализм, аллюзионизм ва орнаментализм” [13]. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, биринчи белги меъморий объектни у мавжуд бўлган муҳит ва маданият контекстидан келиб чиқадиган омилларга бўйсундиради. Иккинчиси эса объект композициясида мавжуд “тарихий” меъморчиликка қандайдир ишора (аллюзия) мавжуд бўлишини назарда тутди. Учинчи белги маълум бир аҳамиятга эга бўлган, аммо конструкциянинг ишида ёки утилитар конструкцияни эҳтиёжларини қондиришда иштирок этмайдиган меъморий элементларни тан олишни кўзда тутди.

Постмодернизм меъморчилигига хос бўлган белгилар англиялик танқидчи Ч. Женкс томонидан ҳам қайд этиб ўтилган. У, “қисман замонавий меъморчиликдан, қисман эса бошқа бирор нарсадан келиб чикувчи меъморий иншоотларнинг икки ёқлама кодлаштирилиши” ни қайд этади [14].

XX асрнинг иккинчи ярмида бир қатор Европа давлатларида шаҳар қиёфасини меъморий-кенглик асосида ташкил қилишда “контестуализм” ёки “муҳитли ёндашув” лойиҳа йўналиши кенг тарқалди. Меъмор ва дизайнерлар тилида “шаҳарсозлик партери”, “сценариявий ёндашув”, “кўринишли кадр”, “шаҳар кенглигининг режиссураси ва

театрлаштирилиши” каби атамалар пайдо бўлди. Муҳитли ёндашув тарафдорлари шаҳар кифасини безаш борасидаги ўз лойиҳаларида томошабинларнинг психофизиологик ўзига хосликларидан келиб чиқиб иш юрита бошладилар. Шу асосда концептуал лойиҳалаш ривожлана бошлади.

Таъкидлаш керакки, мазкур масалага оид мавжуд адабиётлар билан танишганимизда, замонавий шаҳар муҳитини бадий безаш меъморчилик фаолиятининг “шаҳар дизайни” деб ном олган назарий ва амалий йўналишида муҳим ўрин тутишига амин бўлдик. Умуман олганда, шаҳар дизайни лойиҳа-бадий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, у дизайннинг маҳобатли, маҳобатли-декоратив санъат, меъморчилик ва шаҳарсозлик синтезига асосланган.

Бадий безаш муҳим ўрин тутадиган шаҳар дизайни инсон учун кенг кўламли, ахборий жиҳатдан бой, функционал ва руҳий жиҳатдан қулай предметли-маконий муҳитни яратишга хизмат қилади. У ўзининг лойиҳа фаолияти объектига ва тадқиқот ҳамда лойиҳа услублари тизимига эга бўлиб, у тасвирий ва декоратив-амалий санъатнинг жалб этиладиган турларига ҳам тааллуқлидир. Шу билан бирга, санъатнинг визуал турлари тадқиқ этишнинг ўзига хос методологияларига ҳам эга.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, илгари кенг тарқалган “афиша”, “пешлавҳа”, “кичик меъморий шакл” каби атамалар ўрнига 1980-йилларда “кўча мебель ва жиҳозлари”, “визуал коммуникация”, “медиа-фасадлар” каби атамалар кириб келди[15]. Шундай қилиб, илгари етакчи бўлган шаҳар муҳитидаги “меъморий ансамбллар” ўрнини қулайлик ва ахборийлик тамойили эгаллай бошлади. Мутахассислар айтиб ўтишганидек, шаҳарсозлик партери ривожланиши тарихидаги юқори нуқтани XX асрнинг иккинчи ярмида пиёда кўчаларининг – юқори қулайликка эга бўлган, кўп функцияли шаҳар маконларининг пайдо бўлиши ташкил этади. Шаҳар дизайнидаги бошқа бир муҳим принципи, демакки, унинг бадий безалишини инсон омили устуворлигига таянадиган -“эгоцентризм принципи” ташкил этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. .Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. Ташкент-2010 С.11.
2. Мустақиллик даври ўзбек меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати. -Т.: Ўзбекистон бадий академияси, 2011. – Б.5.
3. Икоников. А.В. Функция, форма, образ в архитектуре.- М.: 1986. - С.7
4. Витюк Е.Ю. Городская среда как арт-объект. Вестник Томского государственного университета. 2012г., №364, с.43-48
5. Витюк Е.Ю.. Указ.соч. с.43

6. К.Б.Акилова, Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида миллий ва универсал кадриятлар. “Ўзбекистон тасвирий санъати”. Кириш сўзи. М. 2013, 13-17-б.
7. Витюк Е.Ю. Указ.соч. с.45
8. Аллахвердиева Н. Современное искусство в городской среде: стратегии, ресурсы и технологии. <http://www.propublicart.ru>
9. Воронина О.Н., Воронина А.В. Цветовая динамика городского ландшафта. <http://www.alairnn.ru/print.php>
10. Воронина О.Н., Воронина А.В. Указ.соч.
11. Наружная реклама в России на пути к гармонии. <http://www.e-torqi.ru>
12. Икоников А.В.. Указ.соч. с.211
13. R. New directions in American architecture. New York. 1977, p 127-132/
14. Jenks Ch.The rise of post-modern architecture. Architectural Association Quaterly. 1975. №4. pp 3-14.
15. Михайлов С.М. Дизайн современного города: комплексная организация предметно-пространственной среды (теоретико-методологическая концепция). М-2011 г., Автореферат на соискание уч.степени доктора искусствоведения. С.36.